

ОСТЕОАРТРИТДА ADAMTS-4 ВА ADAMTS-5 ФЕРМЕНТЛАРИ ДАРАЖАСИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Шерматов Холбек Фахритдинович,
Эшмирзаева Аида Абдуғаниевна

*Термиз иқтисодиёт ва сервис университети, Тиббиёт факультети Тошкент
тиббиёт университети*

Долзарблик: Остеоартрит — меҳнат қобилиятини чекловчи, жамиятда кенг тарқалган сурункали бўғим касалликларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий патогенезида тоғай тўқимасининг деградацияси муҳим ўрин тутди. Яқиндаги тадқиқотлар агреканти парчаловчи ферментлар — ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 остеоартритда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу ферментларнинг даражасини баҳолаш касалликнинг эрта диагностикаси ва даво самардорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Методология: Тадқиқотда остеоартрит ташхиси қўйилган 120 бемор қатнашди. Улардан 90 нафарда синовиал суюқликда ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментлари ELISA усулида аниқланди. Клиник баҳолаш VAS ва WOMAC индекслари орқали, радиологик баҳолаш Kellgren–Lawrence шкаласи асосида ўтказилди. Назорат сифатида 30 соғлом субъект жалб этилди. Статистик таҳлил SPSS 26.0 дастури орқали амалга оширилди.

Натижалар: Тадқиқотга жалб этилган 120 нафар остеоартритли беморнинг ўртача ёши $58,4 \pm 8,5$ ёш бўлиб, уларнинг 65% аёллар ва 35% эркаклардан иборат эди. Улар 1-гурух ($n = 90$) ва 2-гурух ($n = 30$)га ажратилди. Бундан ташқари, 30 нафар соғлом субъектлар назорат гуруҳи сифатида иштирок этди.

Синовиал суюқлик таҳлили асосида 1-гурухдаги беморларда ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментлари даражалари назорат гуруҳига нисбатан икки бараварга яқин юқори эканлиги аниқланди (мувофиқ равишда 128.9 ± 13.6 ва 103.5 ± 10.7 pg/ml; $p < 0.001$). Бу ҳолат ушбу ферментларнинг тоғай деградациясидаги роли катта эканлигини кўрсатади.

Клиник баҳолаш натижалари ҳам ADAMTS ферментлари даражалари билан уйғунликда бўлди. 1-гурухда оғриқ балли (VAS – 7.1 ± 1.2) ва функционал чекловлар (WOMAC – 56.5 ± 8.2) даражаси юқори бўлиб, 2-гурухдаги беморларга (VAS – 5.9 ± 1.3 ; WOMAC – 49.0 ± 7.6) нисбатан ишонарли фарқ аниқланди ($p < 0.01$). Бу эса ADAMTS ферментлари даражалари билан клиник симптомлар ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди.

Статистик корреляция таҳлиллари ADAMTS-4 даражаси билан VAS ($r = 0.63$; $p < 0.01$) ва ADAMTS-5 даражаси билан WOMAC ($r = 0.60$; $p < 0.01$) ўртасида ўртача кучли мусбат боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, ADAMTS ферментлари даражалари билан Kellgren–Lawrence радиологик шкаласи балллари ўртасида ҳам ижобий корреляция кузатилди, бу эса рентгенологик ўзгаришлар фермент фаоллигига мувофиқ ривожланишини кўрсатади.

Бундан ташқари, таҳлил натижаларига кўра, остеоартрит клиник белгилари (оғриқ, ҳаракат чекланиши) фермент даражалари ошган сари кескинлашгани аниқланди. Бу эса ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментларини на фақат патогенезни тушунишда, балки клиник ҳолатни баҳолаш ва динамикада кузатишда биомаркер сифатида фойдаланиш имконини яратади.

Хулоса: ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментлари остеоартрит патогенезида муҳим рол ўйнайди ҳамда уларни клиник биомаркер сифатида қўллаш мумкин. Ушбу ферментлар даражасини баҳолаш остеоартритни эрта аниқлаш, касаллик оғирлигини баҳолаш ва индивидуал терапия тактикаларини ишлаб чиқишда фойдалидир. Шунингдек, келгусида уларни тўсувчи агреганаза ингибиторлари остеоартрит терапиясида янги даврни бошлаб бериши мумкин.